

## ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧИНИ БЕПУЛ ЮРИДИК ЁРДАМ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЧИҚИМЛАРНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ

**Чутбаев Муҳаммадулло Рахматуллаевич**

Тошкент давлат юридик университети

Ихтисослаштирилган филиали

Жиноят-хуқуқий фанлар кафедраси доценти, доцент

Email: dillo\_07@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7569348>

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида гумон қилувчи ва айбланувчини бепул юридик ёрдам билан таъминлаш билан боғлиқ процессуал чиқимлар таҳлили амалга оширилган. Мақоланинг мақсади гумон қилувчи ва айбланувчини бепул юридик ёрдам билан таъминлашни янада такомиллаштириш, демократик тамойилларга мослаштиришга хисса қўшиш ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** жиноят процесси, суриштирув, дастлабки тергов, гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, бепул юридик ёрдам, процессуал чиқимлар

**Кириш.** Бугунги кунда, дунёда юридик хизматларга бўлган эҳтиёжи борган сари ортиб бормоқда, бу эҳтиёжни қондириш учун ҳар бир давлат ўзининг мукамал қонунчилигига эга бўлиши лозим. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашда ҳамда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ижрозилар ва аҳолига етказишда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш зарурий омил ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 19 январдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сонли қарори имзоланди. Ушбу қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йилнинг 1 май куни Вазирлар Маҳкамасининг 250-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни, Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 2 декабрда 1878-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокат томонидан кўрсатилган юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом” ва бошқа адабиётларда юридик ёрдамни самарали ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар кўтарилган бўлиб, унда юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман ҳақ тўлашнинг муаммоли масалалари ўрганилмаган. Бу эса, танланган мавзунинг ҳозирги кунда долзарблигидан дарак беради.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада сабаб ва оқибат, замон ва макон, иқтисодий таҳлилнинг анъанавийлиги, тизимли ёндошув, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, математик ва статистик каби усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 318-моддасида процессуал чиқимлар тартибга солинган ва ЖПКнинг

50-моддасига мувофиқ гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи тўловдан озод қилинган тақдирда юридик ёрдам кўрсатганлик учун ҳимоячига тўланадиган ҳақ ҳам процессуал чиқимлар қаторига кириши белгилаб ўтилган.

Энди бевосита жиноят ишларини юритиш чоғида ҳимоячи иштирокини таъминлашнинг процессуал тартибини ёритишга ўтсак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши, шунингдек 116-моддасида эса айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши, тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши, фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатиши мустаҳкамлаб қўйилган[1].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига асосан ҳимоячи – гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир. Ишда ҳимоячилар сифатида адвокатлар иштирок этишлари мумкин. Адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилади. Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади[2].

Ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади[3]. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди[4]. Танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга киришишга имконияти бўлмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаларига мурожаат қилишни тавсия этади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи танлаган ҳимоячи исталган вақтда ишда иштирок этишга киришишга ҳақлидир.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритишнинг исталган пайтида ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имконият мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади, бунда адвокат ўз ҳимояси остидаги шахс билан холи учрашганидан кейин ҳимоядан воз

кечилганлигини тасдиқлайди. Ҳимоячидан воз кечиш жараёни видеоёзув орқали қайд этилиши шарт. Ҳимоячидан воз кечганлик ҳақида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек адвокат, суриштирувчи ёки терговчи томонидан имзоланадиган баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади. Видеоёзув материаллари баённомага илова қилинади. Бунда ҳимоячининг ҳимоя остидаги шахс билан холи учрашиши видеоёзув орқали қайд этилмайди.

Ҳимоячидан воз кечиш гумон қилинувчини, айбланувчини ёки судланувчини кейинчалик ишда ҳимоячи иштирок этишига рухсат бериш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Бундай илтимос барча ҳолларда қаноатлантирилиши керак.

Бироқ ЖПКнинг 51-моддасида ҳимоячи иштироки шарт бўлган ҳолатлар тартибга солинган. Унга кўра:

- 1) вояга етмаганларнинг иши бўйича;
- 2) соқовлар, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсонли ёки руҳий ҳолати бузилганлиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича;
- 3) судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича;
- 4) жазо чораси сифатида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича;
- 5) шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича;
- 6) давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўйича;
- 7) жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда;
- 8) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда;
- 8<sup>1</sup>) суд томонидан дастлабки эшитув ўтказилаётган ишларда;
- 8<sup>2</sup>) ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича;
- 8<sup>3</sup>) шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, шунингдек қамоқда сақлаш, уй қамоғи муддатини узайтириш масаласи кўриб чиқиляётганда;
- 8<sup>4</sup>) айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузилган ишлар бўйича;
- 9) апелляция ва кассация инстанцияси суди томонидан кўриладиган ишларда ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хулосага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этишини шарт деб топишга ҳақлидир.

Юқорида кўрсатилган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига кўра ёхуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаси раҳбари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги

қарори ёки суднинг ажримига биноан қарор ёхуд ажрим Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига келиб тушган пайтдан эътиборан тўрт соатдан кечиктирмай жиноят иши бўйича ҳимоячининг иштирокини таъминлаши шарт.

Шу ўринда тергов амалиётини таҳлили қиладиган бўлсак, ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолларда гумон қилинувчи ёки айбланувчи ёхуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, ЖПКнинг 51-моддаси 3-қисмида назарда тутилган тартибда суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги қарор чиқарилмасдан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда адвокатларнинг навбатчилик жадвали асосида ўша куни навбатчи бўлган адвокатлар телефон орқали таклиф қилинадилар. Бу бир ҳисобдан процесс иштирокчисини ҳимоя ҳуқуқи билан тез таъминланишига хизмат қилсада, бироқ ЖПК талабларига зид амалиёт ҳисобланади. Мазкур амалиётни қонунийлаштириш учун бугунги кунда амалиётда йўлга қўйилган тартиб-тамойлари ЖПКга киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу билан бирга, ҳимоячидан воз кечиш ҳолатларида эътибор қаратиш лозим бўлган бир жиҳат мавжуд. ЖПКнинг 51-моддасида ҳимоячи иштироки шарт бўлган ҳолатлар (1-қисмида 13 та ва қўшимча равишда 2-қисмда назарда тутилган ҳолатлар)да ҳимочидан воз кечишга ЖПКнинг 51-моддаси 1-қисмида назарда тутилган 8 та (1–4, 8, 8<sup>3</sup>, 8<sup>4</sup> ва 9-бандлари) ҳолатда қўл қўйилмайди. 1-қисмида назарда тутилган қолган 5 та ва 2-қисмда назарда тутилган ҳолатларда гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳимоячи хизматидан воз кечиши мумкин.

Шу ўринда асосли савол туғилиши табиий ҳисобланади, яъни:

- шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича;
- давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўйича;
- жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда;
- суд томонидан дастлабки эшитув ўтказилаётган ишларда;
- ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича;
- суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хулосага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этишини шарт деб топишга ҳақли бўлган ҳолларда ЖПКнинг 52-моддаси талабларига асосан гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳимоячи хизматидан воз кечса, бу воз кечиш қонуний деб топилиши ва ҳимоячидан воз кечишга рухсат бериладиган бўлса, юқорида ҳолатлар ҳимоячи иштироки шарт бўлган ҳолатлар сифатида ЖПКнинг 51-моддасида акс эттирилиши нечоғлиқ мантиққа тўғри келади? Мазкур вазиятда ё 51-моддада назарда тутилган ҳолларда ҳимоячидан воз кечишга йўл қўйилмаслиги 52-моддада акс эттирилиши ёки воз кечишга рухсат бериладиган ҳолатларни 51-модда таркибидан чиқариб юбориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу билан бирга, ЖПКнинг 50-моддаси 4-қисмида ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик

ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақли эканлиги тартибга солинган. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги [5] Қонунининг 11-моддасида эса шахс тўловга қобилиятсизлиги сабабли кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлашдан озод этилганда, жиноий ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокатнинг юридик ёрдами учун ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб ўтилган. Мазкур талабни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 июндаги «Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 137-сонли қарори [6] ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 2 декабрдаги “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокат томонидан кўрсатилган юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори [7] қабул қилинган. Маълумотларга кўра, сўнгги 3 йилда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун бюджетдан 111,9 миллиард сўм сарфланган.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосан, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун харажатлардан озод қилинган ҳолларда юридик ёрдам учун харажатлар давлат ҳисобидан амалга оширилади, Низомнинг 2-бандида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш учун асос бўлиб, юридик ёрдам учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори, суднинг ажрими ҳисобланиши белгиланганлиги, оиласида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ялпи ойлик даромад юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисида қарор (ажрим) қабул қилинган кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган шахслар адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг иш жойидан берилган охирги ўн икки ойлик даромади тўғрисидаги маълумотнома мавжуд бўлган тақдирда, уни илова қилган ҳолда яшаш жойидаги маҳалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғини ёки фуқаролар йиғини томонидан ваколатланган комиссия томонидан берилган хулосага асосан ҳақ тўлашдан озод қилинади ва харажатлар давлат ҳисобига ўтказилади [8].

Бу тўловни амалга ошириш адвокатлик тузилмаси тегишли молия органига мурожаат қилгандан кейин ўттиз кундан кечикмай Молия вазирлигининг қарор (ажрим) чиқарган орган жойлашган жойдаги Ғазначилиги ҳудудий бўлинмаси орқали Давлат бюджетининг харажатлари параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланиши кўрсатилган. Ушбу низомга мувофиқ адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун тўловлар ҳар бир кун учун энг кам ойлик иш ҳақининг (ҳозирда баъзавий ҳисоблаш миқдорини) 50 фоизи миқдорида амалга оширилиши агар икки ва ундан ортиқ шахсларга битта жиноий иш бўйича адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун тўлов ҳар бир ишонч билдирувчига (ҳимоя

остидаги шахсга) белгиланган тўлов миқдорининг 80 фоизи ҳисобида амалга оширилади ёки суд мажлисининг ҳар бир танаффус куни учун тўлов адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун белгиланган тўлов миқдорининг 50 фоизи ҳисобида амалга оширилади агарда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунлари адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун тўлов энг кам ойлик иш ҳақининг (ҳозирда баъзавий ҳисоблаш миқдорини) 100 фоизи миқдориди, тунги вақтда эса энг кам ойлик иш ҳақининг (ҳозирда баъзавий ҳисоблаш миқдорини) 75 фоизи миқдориди амалга оширилиши шу билан бирга адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлган хизмат сафари ва транспорт харажатлари миқдори адвокатлик тузилмаси томонидан белгиланган тартибда аниқланади ҳамда белгиланган намунадаги маълумотномада кўрсатилиб, жойлардаги Ҳазначилик бўлимларига тақдим этилади.

Биз юқоридаги таҳлилда ЖПКнинг 50-моддаси 4-қисмида назарда тутилган ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом озод этиш тартиби ва уни амалга ошириш механизмини ўрганиб чиқдик. Бироқ ЖПКнинг 50-моддаси 4-қисмида назарда тутилган юридик ёрдам учун тўловдан қисман озод қилиш тартиби ва асослари биз таҳлил қилган Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 июндаги «Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 137-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 2 декабрдаги «Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокат томонидан кўрсатилган юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарориди ҳам тартибга солинмаганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

**Хулоса ва таклифлар.** Мамлакатимизда жиноят ишлари бўйича иш юритуви жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимоячи хизмати учун тўловдан озод қилинган ҳолатларда юридик ёрдам кўрсатганлик учун ҳимоячига тўланадиган ҳақ ҳам процессуал чиқимлар қаторига киришини ҳисобга олган ҳолда, жпроцессуал қонунчилигимиз ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳимоячини ишда иштирокини таъминлаш ва унга ҳақ тўлаш масалалари билан боғлиқ бир қатор муаммоли вазиятларни бартараф этилиши давлатимизда том маъно ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишда ўзининг хиссасини қўшган бўлади.

### References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/acts/20596>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>
3. Raxmatullaevich, Chutbaev Mukhammadullo. "NECESSITY AND SOCIAL JUSTIFICATION OF RESTRICTION OF INDIVIDUAL RIGHTS IN CRIMINAL PROCEEDINGS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3.9 (2022).

4. Чутбаев М.Р. Дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини чеклаш чегараларини белгилаш муаммолари: Монография. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 140 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/54503>
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/1363850>.
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. <https://lex.uz/acts/1412912>.
8. Муминов М.Э. Адвокатнинг далилий маълумотларни тўплаш бўйича процессуал ҳуқуқлари. // Адвокатлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2010. – Б. 184-188.